

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

33-34-сон
(273-274)
2007 й.
август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўймиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

340. «Халқаро шартномаларга кўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 августдаги ПҚ-683-сон қарори

Учинчи бўлим

341. «Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 августдаги 170-сон қарори

342. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хузурида Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 августдаги 171-сон қарори

343. «Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар берадиган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиги бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 августдаги 174-сон қарори
344. «Кимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартиба солиш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги 176-сон қарори
345. «Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 августдаги 177-сон қарори
346. «Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошка субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 августдаги 178-сон қарори
347. «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 августдаги 179-сон қарори
- +
348. «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҷаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори

Бешинчи бўлим

349. «Молиявий ҳисоботлар ва солик ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон хужжат айланишининг иштирокчилари учун ўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 4 июлдаги 2007-44, 17-8/1985-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 августда 1702-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
350. «Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сакловига топшириш тартиби бўйича ўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сонли буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 августда 1703-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

351. «Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 19-сон «Саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг 2-шартнома шакли бўйича тайёр маҳсулотни жўнатиш ва унинг қолдиги тўғрисидаги хисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўрикномани тасдиқлаш хақида»ги буйруни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги 5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 августда 1065-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
352. «Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 18-сон «1-шартнома шакли бўйича «Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурслар олиш мўлжал (режа)лари ҳамда шартномалар тузишнинг боришини текшириш» хисоботини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўрикномани тасдиқлаш хақида»ги буйруни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 августда 1067-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 11 августдан 24 августгacha бўлган маълумот

+

-

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

340 Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ:

1. Қўйидагиларга:

трансчегаравий очик сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенцияга (Хельсинки, 1992 йил 17 март);

халқаро очик сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш хукуқи тўғрисидаги Конвенцияга (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) қўшилинсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномаларга қўшилгани ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Котибиятига билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мазкур халқаро шартномалар кучга киргандан сўнг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 9 август,
ПҚ-683-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

341 Тошкент шаҳрида Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Иш билан вақтинча банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан умумтаълим мактабарини, академик лицейларни тамомлаган ва доимий ишга эга бўлмаган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан 2007 — 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси «Касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун 4 млн АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг KOICAning грант маблағлари хисобига «Касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида 360 ўқувчига мўлжалланган, 100 ўринли ётоқхонаси бўлган Касб-хунарга ўқитиш маркази ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Куйидагилар Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иш билан банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан коллежлар ва лицейларни тамомлаган ҳамда доимий ишга эга бўлмаган шахсларни, 11-синф маълумотига эга бўлган фуқароларни қуйидаги асосий ўйналишлар ва мутахассисликлар — автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариши (токарлар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электр ва электроника (маишӣ техника, радио ва телевапаратларни таъмирлайдиган мутахассислар), ахборот технологиялари (хисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар) бўйича 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бепул тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Кореяга ишга юборилаётган фуқароларни кетишдан олдин пулли асосда тайёрлаш ва мослаштириш;

Ўзбекистоннинг меҳнат бозорида талаб катта бўлган касблар бўйича иш излаётган шахсларни пулли асосда қисқа муддатда ўқитиш.

4. Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш маркази бевосита Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бўйсундирилсин, унга умумий ўқув-методик раҳбарлик қилиш эса Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги КОИСАнинг грант маблағларини олиш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, Корея томони билан келишилган барча тартиботларнинг ўз вактида расмийлаштирилишини таъминласинлар.

КОИСАнинг грант маблағларига хисоб-китоб хизмати кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига юклансин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Корея томони билан келишигандан ҳолда умумий майдони 1,8 га, шу жумладан Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг ўқув корпусини қуриш учун 2,7 минг кв.м ва ётоқхона қуриш учун 1,1 минг кв.м ер участкасини бир ой муддатда ажратсан;

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига Касб-хунарга ўқитиш марказини қуриш бўйича дастлабки рухсат бериш хужжатлари (АПЗ-I,II)ни тайёрлашда кўмаклашсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда:

Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказини қуриш бўйича лойиха-смета хужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсан, экспертизадан ўтказсан ва тасдиқласин, пурдат қурилиш ташкилотини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини ташкил қилсан;

икки ой муддатда лойихани амалга ошириш жадвалини ишлаб чиқсан ва уни олдиндан КОICA, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишиб олсан.

8. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази Корея томони билан келишигандан ҳолда:

бир ой муддатда Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг устанини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш маркази ишида қўлланиладиган зарур ўқув-методик дастурлар ва материаллар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласинлар.

9. Белгилансинки, Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш маркази таъминоти, иш билан банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек импорт қилинадиган ўқув-лаборатория жиҳозларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сакланиши, расмийлаштирилиши ва транспортда ташилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобига амалга оширилади.

10. Қўйидагилар:

КОИСАнинг бегараз ёрдами маблағлари хисобига Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказини қуриш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ўқув-лаборатория жиҳозлари ва моддий ресурслар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш ўйнимлари бундан мустасно);

loyihani amalga oshirishda qatnashadigan horijiy mutaxassislar Yuzbekiston Respublikasi Mechnat va aholini ijtimoий muhofazasi қилиш vazirliginинг buort-monomalari bўyicha vizalarni hamda vaktinchaga royxatiga olishni rasmийlaشتаришида konzullik ўйнимlari va davlat bojhlari tўlaшdan ozod қilingsin.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этишда қатнasha-

ётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, улар яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 август,
170-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

342 «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хузурида Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлигини ташкил этиш тўғрисида

Енгил саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари ишлаб чиқарувчиларини маркетинг олиб боришида кўллаб-куватлаш, мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорларга кириб боришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хузурида Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлигини (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

енгил саноат маҳсулотлари жаҳон бозорлари конъюнктурасини, маҳсулот экспорти йўналишлари бўйича тармоқ корхоналарининг таклифлари ва салоҳиятини чукур ўрганишга ўналтирилган маркетинг фаолиятини олиб бориш, енгил саноат корхоналарига уларнинг маркетинг хизматлари фаолиятини такомиллаштириша кўмаклашиш;

хорижий истеъмолчилар билан алоқалар ўрнатишда, ўзаро фойдали контрактлар тузишда, республика корхоналарининг манфаатларини чет элда химоя қилишда мамлакатимиз енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига кўмаклашиш;

хўжалик юритувчи субъектларга экспорт қилинадиган маҳсулотга нарх белгилашга оид ахборотлар тақдим этиш, тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг экспорт нархларини ошириш мақсадида тармоқ корхоналари томонидан келишилган нарх сиёсати ўтказилиши бўйича тавсиялар бериш;

корхоналар томонидан тайёр маҳсулотни экспорт қилиш юзасидан узок муддатли (3 — 5 йил) буюртмалар портфели шакллантирилишини таъминлашга, қўшил-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ган қиймати юқори бўлган, жаҳон бозорида рақобатбардошли тайёр маҳсулот сотилишини рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; енгил саноат корхоналари ва ташкилотларига, шу жумладан ихтисосликка доир адабиётлар, буклетлар нашр этишда ва Интернет тармоғида ихтисослаштирилган вебсайтлар яратилиши ва юритилишида аҳборот хизматлари кўрсатиш.

2. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хузуридаги Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлигининг ходимларнинг чекланган умумий сони 11 нафар бўлган бошқарув тузилмаси иловага мувоғик тасдиклансин.

3. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Агентлик мустақил юридик шахс хисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига ҳисобот беради;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қиласин.

4. Қўйидагилар:

маркетинг, маслаҳат, реклама хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш юзасидан «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича Агентлик ҳисоб рақамларига тушадиган ажратмалар ва пул маблағлари;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибда жалб қилинадиган грант маблағлари;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда);

амалдаги қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

5. Агентлик «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 45-йдаги биносига жойлаштирилсин.

6. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бир ой муддатда Агентликнинг устави ишлаб чиқилиши ва тасдиqlанишини, шунингдек Агентликнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

7. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чикувчи ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 август,
171-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 13 августдаги 171-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги
Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлигининг
бошқарув тузилмаси**



Ходимларнинг умумий сони — 11 киши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

343 Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар берайтган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиги бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашуви ни янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилиди**:

1. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар берайтган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиги бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорниң бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 август,
174-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 15 августдаги 174-сон қарорига
ИЛОВА

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар берайтган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиги бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашуви ни янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон қарорининг 3-бандида белгиланган ва тижорат банкларига 2012 йил 1 январгача бўлган даврда даромад (фойда) солиги бўйича соликка тортиладиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг микдорда камайтириш хукуқини беришни назарда тутадиган солик имтиёзини қўллаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк

тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сон қарори билан алоҳида солиқ имтиёзи берилган тижорат банкларининг республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олинган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган даромади (фойдаси)га татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низом мақсади учун қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

модернизациялаш — асосий воситалар объектининг технологик ёки хизмат вазифасини ўзгартиришга, уларнинг унумдорлигини оширишга ёки бошқа сифат тавсифларини яхшилашга йўналтирилган ишлар;

техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш — илфор техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънавий эскирган ва физик жиҳатдан яроқсиз бўлиб қолган асбоб-ускуналарни унумлироқ янги асбоб-ускуналарга алмаштириш асосида асосий воситалар ёки уларнинг алоҳида қисмларининг техник-иктисодий кўрсаткичларини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар. Техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш ва ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришни хам ўз ичига олади.

3. Тижорат банкларининг кредитлар беришдан олган даромади (фойдаси) деганда қуидагилар тушунилади:

жалб этилган маблағлар хисобига берилган кредитлар бўйича — банкнинг кредитлардан олган фоизли даромади билан ушбу жалб этилган маблағлар бўйича фоизли харажатлар ўртасидаги ижобий тафовут (маржа);

ялпи кредитлар бўйича — ялпи кредитлаш ҳар бир қатнашчисининг ушбу кредитлардан олган фоизли даромади;

ўз маблағлари хисобига берилган кредитлар бўйича — ушбу кредитлардан олинган фоизли даромад.

4. Мақсадли дастурлар ва иқтисодиётнинг устувор тармоқлари инвестиция лойихалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари билан тасдиқланади.

5. Даромад (фойда) солиғи юзасидан хисоб-китобларни тузишда солиқ солина-диган база камайтириладиган даромад суммаси белгиланган намунадаги хисоб-китоб шаклининг «Амалдаги солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган даромадни (фойдани) камайтириш (имтиёзлар бўйича маълумотнома илова килинади» сатрида акс эттирилади. Имтиёзлар бўйича маълумотномада ушбу сумма алоҳида сатрда кўрсатилади.

6. Кредит бериш факти, кредит шартномасидан ташқари, лойиҳанинг бизнес-режаси ёки техник-иктисодий асосланиши билан хам тасдиқланади.

7. Тижорат банклари қарз олувчи томонидан кредитдан мақсадли фойдаланишини назорат қиласидилар.

Қарз олувчи кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланган тақдирда кредит бўйича имтиёзларни қўллаш бошқа мақсадларда фойдаланиш санасидан бошлаб тўхтатилади.

Кредитдан мақсадли фойдаланилганлиги сотиб олинган асбоб-ускуналар қарз олувчига келиб тушгандан ёки модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари тугаллангандан кейин тижорат банки билан қарз олувчи ўртасида тузиладиган тегишли хужжат билан тасдиқланади.

8. Тижорат банклари мазкур Низомнинг тўғри қўлланиши учун қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

9. Мазкур Низомнинг тўғри қўлланишини назорат қилиш давлат солик хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**344 Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни яна-
да тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик ноконуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 марта ПҚ-608-сон қарорига мувофиқ, шунингдек қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, ноконуний қимор ўйинларини ташкил этишга ҳамда уларга ўсмирлар ва ёшларни жалб этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш, қимор бизнесининг ривожланиши салбий оқибатларининг олдини олиш, ноконуний қимор ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди:**

1. 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси худудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли, бир лаҳзали ва ракамли лотереялардан ташқари);

қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси худудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмитаси Ўзбекистон Республикаси худудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб киришга йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ноконуний тарзда қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ўйин анжомлари, шу жумладан ўйин автоматлари, ўйинда ставка ва ютуқ бўлган бойликлар, шунингдек бундай ўйинларда қатнашиш натижасида олинган бошқа даромад белгиланган тартибда олиб қўйилади ва давлат даромадига ўтказилади.

4. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлеклари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Молия вазирлиги, Бош прокуратураси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда республика худудида тақиқланган қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа

ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишнинг, шунингдек уларга балоғатга етмаганларни жалб қилишнинг олдини олиш юзасидан доимий иш олиб борсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкилотчила-ри ва катнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш, уларга балоғатга етмаганларни жалб қилганлик, шунингдек бундай ўйинларни ташкил этиш учун телекоммуникация тармоқларида хизматлар кўрсатганлик, дастурий таъминотни нашр қилганлик, кўпайтирганлик, тарқатганлик учун жавобгарликни белгилаш;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсинглар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 16 август,
176-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 16 августа 176-сон карорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига
киритилаётган ўзгартариш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айrim турларини лицензияловчи органлар рўйхатининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» бўлими учинчи хатбошидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Махкамасининг «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 70-модда):

а) 1-банддаги «ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 3, 4 ва 7-бандлардаги «ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўzlари чиқариб ташлансин;

в) Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

Низомнинг номидаги ва 1-банддаги «ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни» сўzlари чиқариб ташлансин;

2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин», «ставкалар қабул қилиш» сўzlари чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

тўртинчи хатбошидаги «(ёки тикилган пулга)» сўзлари чиқариб ташлансин; олтинчи ва саккизинчи хатбошидаги «ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-баннда:

биринчи хатбошидаги «асосан» сўзи чиқариб ташлансин;
«в» кичик банди кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«в) пассив ва актив лотереяларга бўлинадиган сонли лотереялар. Пассив сонли лотереяда қатнашишни хоҳловчи шахс сонлар, белгилар ёки бошқа қайдлар комбинацияси олдиндан кўрсатилган ўйин билетини белгиланган қиймати бўйича сотиб олади. Актив сонли лотереяда қатнашишни хоҳловчи шахс маҳсус бланкада ёки бошқа йўл билан йўл қўйиладиган натижалар йифиндисидан тиражнинг мумкин бўлган натижасини танлайди, у ўйин ташкилотчиси томонидан танланган варианtlар рўйхатдан ўтказилгандан ва вариантларга мувофиқ келувчи тиражда қатнашишнинг қиймати тегишли вариант бўйича тўлангандан кейин лотерея қатнашчисига айланади.

Сонли лотереялар тиражи сонлар, белгилар, бошқа қайдларни ёки уларнинг комбинацияларини тасодифий танлаш йўли билан, шунингдек Шартларда назарда тутилган у ёки бу воқеалар натижасида амалга оширилади. Сонли лотереялар тиражининг телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирда трансляция қилмасдан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Сонли лотереялар бўйича ютуқли билетлар, шунингдек тегишли ютуқлар миқдори тираж натижаларининг ўйин билетларида белгиланган натижаларга тўлиқ ёки қисман мос тушишига қараб аниқланади.

«г», «д» ва «е» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6-баннда:

«е» кичик бандидаги «ставкалар қабул қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«ж» кичик бандидаги «ёки бошқа ўйинлар ўтказиш, ставкалар қабул қилинган ёки гаровлар тузилган воқеалар натижаларини аниқлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-баннадаги «ва бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

11-бандга кўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«сонли лотереялар тиражи ўтказилишини тўғридан-тўғри эфирда трансляция қилиш юзасидан телевидение билан тузилган шартномалар нусхалари»;

24-баннадаги «ва ўйинлар» ҳамда «(ставкалар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

V бўлим номидаги «ставкаларни қабул қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

29, 30, 31-баннлардаги «ўйин бўйича ставкаларни қабул қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

31-бандга кўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лотерея билетларини балофатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади»;

32-бандга кўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лотереялар рекламасида балофатга етмаган шахсларнинг реклама қилинаётган лотереяда қатнашишига йўл қўймаслик тўгрисидаги огоҳлантириш мавжуд бўлиши керак»;

33-баннадаги «(ставкаларни)» сўзи чиқариб ташлансин;

39-баннда:

учинчи хатбошидаги «(ёки қабул қилинган ставкалар, танланган комбинациялар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

+

43-банддаги «ўйин бўйича ставкаларни қабул қилишдан» сўзлари чиқариб ташлансин;

46-банднинг иккинчи хатбошидаги «рақамли» сўзи «сонли» сўзи билан алмаштирилсин;

58-банддаги «қабул қилинган ставкалар» сўзлари чиқариб ташлансин;

62-банддаги «қабул қилинган ставкалар» сўзлари чиқариб ташлансин;

Лотереялар ҳамда таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

илованинг номидаги ва I бўлимнинг 4-бандидаги «ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

III бўлимда:

1-банднинг олтинчи хатбошидаги «ставка» сўзи чиқариб ташлансин;

2-банднинг «а» кичик бандидаги «ставкаларни қабул қилиш», «ставкаларни қабул қилганлик» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «ставкалар қабул қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Лотереялар ҳамда таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловада:

I бўлимдаги «қабул қилинган ставкалар», «ставкалар қабул қилишдан» сўзлари чиқариб ташлансин;

II бўлимдаги «(ставкалар)», «ставкаларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

III бўлимдаги «қабул қилинган ставкалар», «ставкаларни қабул қилувчи» сўзлари чиқариб ташлансин.

+

-

3. Вазирлар Махкамасининг «Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда):

а) Низомнинг номидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1 ва 4-бандлардаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

Низомнинг номидаги, 1 — 8, 13, 33-бандлардаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банда:

«б» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «тотализаторларда ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қабул қилинаётган ставкалар» сўзлари чиқариб ташлансин;

«д» кичик бандидаги «ставкаларни» сўзи чиқариб ташлансин;

«е» кичик бандидаги «ставкаларни қабул қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга илованинг номидаги ва тадбирлар устунидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Махкамасининг «Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказиши ташкил этишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 2 августдаги 182-сон қарори (Ўзбе-

кистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 39-модда) номи ва матнидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Вактинчалик низомнинг 6-банди тўртинчи хатбошидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

345 Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашуви ни янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 94-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 август,
177-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 августдаги 177-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 7-бандда:

- а) иккинчи хатбошидаги «2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга» сўзлари «2005 йил 1 январдан 2010 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) учинчи хатбошидаги «2007» рақами «2010» рақами билан алмаштирилсин;
- в) қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«2007 йил 12 июлдан бошлаб 2010 йил 1 январгача ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киоскларига оид қисми бўйича мулк солигидан, шунингдек улар импорт қилинганда божхона тўловлари тўлашдан»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган молмулқдан солик тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида низомда:

а) 1 ва 2-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан банкоматлар, тўлов терминаллари, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари, коммутация ускуналаридан ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналардан мулк солиги бўйича имтиёзларни қўллаш, шунингдек уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилайди.

2. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази:

2005 йил 1 январдан бошлаб 2010 йил 1 январгача — банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналарига ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналарга, шунингдек дастурий таъминлашга оид қисми бўйича;

2007 йил 12 июлдан бошлаб 2010 йил 1 январгача — ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киоскларига оид қисми бўйича мулк солиги тўлашдан озод этилган»;

б) 3-банддаги «терминаллар» сўзидан кейин «ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари» сўзлари қўшилсин;

в) 4-бандга қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари»;

г) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Бўшаб қоладиган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29-сон, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2005-25-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 01-02 / 8-3-сон қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2005 йил 2 апрелда 1463 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) Юридик шахсларга соликлар, божхона тўловлари ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади»;

д) тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг марказининг тўловларни пластик карточкалар билан амалга ошириш учун фойдаланадиган мол-мулки рўйхатига қўйидаги мазмундаги банд қўшилсин:

«9. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

346 Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнес бошқа субъектларининг кредит ресурслари олишини ҳамда лизинг хизматларидан фойдаланишини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қила**-ди:

1. Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 20 август,
178-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 20 августдаги 178-сон қарорига
ИЛОВА

**Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш
бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб
олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа
субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайta ишlaш bўyичa мини-тechnологиялар va ихcham aсbоб-ускуналar сотib oлиш учun фermer xўjалиklariга va kичik бизнесnинг boшқa субъектlari — юридик шахslarغا (kейинги ўринларda фermer xўjалиklariга va kичik бизнесnинг boшқa субъектlariга дeb ataladi) тижорат banklari томонидan имтиёzli кредитlар bериш va лizинг хizmatlari kўrсatiш tarтиbinи belgilaydi.

Mazkur Nizomning amal қилиши (III bўlimdan tashkari) мева-сабзавот ва чорvачiliк maҳsулotlari ni қaiتا iшlaш bўyичa minи-technologiyalar va ихcham aсbоб-ускуnalar сотib oлиш учun фermer xўjaliklariiga va kичik бизnesnинг boшқa субъектlariiga imtiёzli creditlар va лizинг хizmatlari (kейinги ўrinlarда imtiёzli creditlар va лizинг хizmatlari dеб ataladi) фermer xўjaliklari va kичik бизnes boшқa субъектlari ning талab қилиб olinadigan aсosiy depozit xisob ракamlari очилган tижорат banklari томонидan beriлади va kўrsatiladi.

+ 2. Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайta ишlaш bўyичa minи-technologiyalar va ихcham aсbоб-ускуnalar сотib oлиш учun фermer xўjaliklariiga va kичik бизnesnинг boшқa субъектlariiga imtiёzli creditlар va лizинг хizmatlari (kейinги ўrinlarда imtiёzli creditlар va лizинг хizmatlari dеб ataladi) фermer xўjaliklari va kичik бизnes boшқa субъектlari ning талab қилиб olinadigan aсosiy depozit xisob ракamlari очилган tижорат banklari томонидan beriладi va kўrsatiladi.

3. Imtiёzli creditlар va лizинг хizmatlari қaiTariш, pulllilik, taъminlan-ganlik, maқсадli fойдаланиш va мудdatlilik шартlariда beriладi va kўrsatiladi, mazkur Nizomning 17-bандida назарда тутилган холлар бундан mustasno.

4. Мева-сабзавот ва чорvачiliк maҳsулotlari ni қaiTa iшlaш bўyичa minи-technologiyalar va ихcham aсbоб-ускуnalar сотib oлиш учun фermer xўjaliklariiga va kичik бизnesnинг boшқa субъектlariiga imtiёzli creditlар (kейinги ўrinlarда imtiёzli creditlар dеб ataladi) 5 йилдан kam bўlmagan мудdatga beriладi, камидan 18 ойni ташkil этadigان imtiёzli давр ҳам шу жумлага kирадi.

5. Фermer xўjaliklariiga va kичik бизnesnинг boшқa субъектlariiga мева-сабzavot va чorvachiliк maҳsулotlari ni қaiTa iшlaш bўyичa minи-technologiyalar va ихcham aсbоб-ускуnalar сотib oлиш учun лizинг хizmatlari kўrсatiш мудdati 7 йилдан iborat bўладi.

6. Imtiёzli creditlар bўyичa foiz ставкалari қuiidagi miқdorlarدا belgi-lanadi:

Вазирлар Махкамасининг «Тижорат banklari ning kичik тадbirkorlikni ri-vожлантиришда қатнашишини рағbatlanтиришга доир қўшимча чора-tадbirlar тўғrisida» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига muvofiқ ташkil этилган banklarning imtiёzli credit beriш maхsus жамғarmalari маблағlari xisobiga beraладigан

имтиёзли кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериш кунидаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

банкнинг бошқа ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича — банк билан фермер хўжалиги ёки кичик бизнеснинг бошқа субъекти ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, бироқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда.

7. Лизинг бўйича фоиз ставкаси банк билан фермер хўжалиги ёки кичик бизнеснинг бошқа субъекти ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, бироқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

8. Имтиёзли кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариш имтиёзли давр тамом бўлгандан кейинги ойдан бошланади.

9. Зараф кўриб ишлаётган ва ноликвид балансга эга бўлган фермер хўжаликлирига ёки кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар берилмайди ва лизинг хизматлари кўрсатилмайди, илгари берилган имтиёзли кредитлар ва кўрсатилган лизинг хизматлари эса шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олиниши керак. Ушбу шарт кредит шартномасида мажбурий тартибда қайд этилиши зарур.

10. Халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобига имтиёзли кредитлар бериш Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари билан халқаро молия институтлари ўртасида тузилган кредит битимлари шартларига мувофиқ амалга оширилади.

+

II. Имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш

11. Фермер хўжалиги ёки кичик бизнеснинг бошқа субъекти имтиёзли кредитлар олиш учун кредит буюртманомаси билан биргаликда тижорат банкига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

имтиёзли кредитнинг бутун муддати учун пул оқимлари прогнози мажбурий тартибда кўрсатилган бизнес-режа;

потенциал қарз олувчи рўйхатга олинган жойдаги давлат солик инспекциясинг баланс қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув мавжуд бўлган охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорлик бўйича тақкослаш далолатномалари;

кредит қайтарилишининг бир ёки бир неча турдаги таъминланишини тақдим этиш тўғрисидаги хужжат.

12. Фермер хўжалиги ёки кичик бизнеснинг бошқа субъекти мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш учун имтиёзли асосда лизингга мини-технологиялар ҳамда ихчам асбоб-ускуналар олиш учун тижорат банкига буюртманома билан бирга қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

лизинг объективининг техник-иктисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотлар;

имтиёзли лизингнинг бутун муддати учун пул оқими прогнози кўрсатилган холдаги бизнес-режа;

потенциал қарз олувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солик инспекциясинг баланс қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув мавжуд бўлган охирги ҳисоб-

бот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғриси-даги маълумотнома, шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорлик бўйича тақослаш далолатномалари.

13. Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармалари маблағлари хисобидан бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича уларни олиш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш, расмийлаштириш, хисобга олиш, уларни қайта-риш ва улардан мақсадли фойдаланиш мониторингини олиб бориш, тўлаш Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, дехқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармаси хисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ушбу Низом нормаларини хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Банкнинг бошқа ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари хисобидан бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича уларни олиш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш, расмийлаштириш, хисобга олиш, уларни қайта-риш ва улардан мақсадли фойдаланиш мониторингини олиб бориш, тўлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив хужжатларига мувофиқ, ушбу Низом нормаларини хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

14. Кредит буюртманомасини кўриб чиқиш ва банк хулосасини бериш муддати хужжатлар банкка тушган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошиши мумкин эмас.

III. Имтиёзли кредитлар қайтарилишини таъминлаш ва лизинг хизматлари хусусиятлари

+

-

15. Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар қайтарилишини таъминлаш сифатида кредит шартномаси бўйича сотиб олинадиган мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар улар қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров учун қабул қилинади. Имтиёзли кредитнинг мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар гарови билан копланмаган қисми учун қарз олувчи таъминлашнинг кўйидаги турларидан бир ёки бир нечтасини тақдим этади:

бошқа мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

банк кафолатномаси;

учинчи шахсларнинг кафиллиги;

тадбиркорлик таваккалчиликларининг суғурта полиси.

16. Лизинг обьекти лизинг олувчи томонидан лизинг берувчи банк фойдасига йўқолиш ва яроқсизланиш ҳолатларидан суғурта қилиниши керак. Суғурта полиси банкка лизинг шартномасида белгиланган муддатда тақдим этилади.

Лизинг фоизларини тўлаш ва лизинг операцияларини ўтказиш натижасида сарфланган маблағларни қайтариш кафолати сифатида лизинг берувчи банк лизинг олувчидан ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган бошқа таъминлаш турларини талаб қилиши мумкин.

17. Тижорат банклари ўзлари билан доимий алоқада бўлган, банк хисоб рақамида мунтазам пул оқимига, ижобий нуфузга ва яхши кредит тарихига эга бўлган фермер хўжаликлари ва бошқа кичик бизнес субъектларига, ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган қайtариш таъминловисиз, ишончга асосланган кредитлар беришга ҳақлиdir.

18. Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ гаров предмети бўлиши мумкин бўлган бўюмлар ва

мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин (муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари).

Қарз олувчи ўз ҳисобига гаров предметининг йўқолиши ва яроқсизланиши ҳолатлари юзасидан суғурта шартномаси тузади. Суғурта полиси банкка кредит шартномасида белгиланган муддатда тақдим этилади.

19. Кафолатнома қонун ҳужжатларига мувофиқ гарантнинг ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади.

20. Кафиллик кафил бўлувчи билан қарз олувчи ўртасида ёзма шаклда уч нусхада банк фойдасига тузиладиган кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охирги бетида, кафил бўлувчи ва қарз олувчи имзоларидан кейин мазкур кафилликнинг банк томонидан қабул қилингани қайд этилади, у банк филиали бошқарувчисининг имзоси ва банк филиалининг думалоқ муҳри билан тасдиқланади.

21. Суғурта компаниялари фермер ҳўжаликлари ва бошқа суғурта бозори катнашчилари мурожаатларига кўра уларнинг тадбиркорлик таваккалчиликларини, шунингдек лизинг обьекти йўқолиши ва яроқсизланишидан суғурталашни белгиланган тартибда амалга оширади. Бунда кўрсатиб ўтилган суғурта шартномалари бўйича ҳар йилги суғурта мукофоти суммаси, белгиланган суғурта тарифлари миқдорларидан қатъи назар, суғурта тўлови суммасининг бир фоизидан ошиши мумкин эмас.

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

347 Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида

Ота-оналар қаровисиз қолган вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тартиботини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинганини кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида» 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 21 август,
179-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 21 августдаги 179-сон қарорига
ИЛОВА

**Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа
тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Биринчи бўлимда:

а) 8-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. Фарзандликка олишни хоҳловчи шахс яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги, эр хотиннинг бирга ёки алоҳида яшashi, agar фарзандлари бўлса уларнинг сони ва ёши, фарзандликка олинадиган боланинг ёши ва жинси кўрсатилган ариза;

шахсини тасдиқловчи хужжат;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);

оила аъзолари кўрсатилган холда яшаш жойидан маълумотнома;

иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

иш жойидан ёки яшаш жойидан тавсифнома;

фарзандликка олувчи бўлиши хоҳловчи шахснинг соғлифи тўғрисида тиббий маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия ва наркология муассасалари, теританосил касалликлари диспансерининг маълумотномалари.

Фарзандликка олувчилар бўлиш имконияти тўғрисида хулоса тайёрлаш учун халқ таълими бўлими болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади.

Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар, шунингдек болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиб чиқиш далолатномаси асосида халқ таълими бўлими ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида уларнинг фарзандликка олувчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хулосани тайёрлайди. Ушбу хулоса ариза берувчilarга берилади ва фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик органи салбий хулоса ва унга асосланган фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйишнинг рад этилишини хулоса имзоланган санадан бошлаб 5 кун муддатда ариза берувчининг эътиборига етказади. Айни бир вактда ариза берувчига барча хужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади»;

б) III бобнинг номи қўйидаги тахрирda баён қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

«Фарзандликка олиш учун болаларни танлаш»;

в) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Халқ таълими бўлими фуқаролар фарзандликка олувчи номзодлар сифатида хисобга қўйилгандан кейин уларга фарзандликка олиш мумкин бўлган бола (болалар) тўғрисидаги ахборотни тақдим этади ва бола (болалар) яшайдиган (турган) жойда болани (болаларни) кўриш учун ўйлланма беради.

Агар фарзандликка олишга номзодлар ўз яшаш жойида фарзандликка олиш учун болани танлай олмаса, улар фарзандликка олинадиган бола тўғрисида маълумот олиш учун ўз хоҳишларига кўра бошқа халқ таълими бўлимига ёки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилишлари мумкин»;

г) қўйидаги мазмундаги 12-1 ва 12-2-бандлар қўшилсин:

«12-1. Фарзандликка олишга номзодлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

бала тўғрисидаги батафсил маълумотни ва унинг қариндошлари борлиги ҳақида ги маълумотларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибда бола турган муассасанинг вакили иштирокида болани фарзандликка олишни мустақил тиббий текширувдан ўтказиш учун тиббиёт муассасасига мурожаат қилиш.

12-2. Фарзандликка олишга номзодлар шахсан:

бала билан танишишга ва у билан алоқа ўрнатишга;

фарзандликка олинадиган боланинг ҳужжатлари билан танишишга;

боланинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса билан танишганликни ёзма шаклда тасдиқлашга мажбур»;

д) 15-бандга қўйидаги мазмундаги биринчи хатбоши қўшилсин:

«Фарзандликка олиш учун бола танлангандан кейин фарзандликка олувчига номзод боланинг яшаш жойи (бала турган жой)даги халқ таълими бўлимига фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ёши ва жинсини кўрсатган холда ариза билан мурожаат қиласи. Ариза билан биргаликда номздинг фарзандликка олувчи бўлиши мумкинлиги тўғрисида тегишли халқ таълими бўлими томонидан берилган хулоса тақдим этилади»;

е) 28-бандда:

иккинчи банднинг иккинчи жумласига «асосий шарти» сўзларидан кейин «фарзандликка олиш масаласини кўриб чиқишида фарзандликка олувчиларнинг шахсан иштирок этиши» сўзлари қўшилсин;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Фарзандликка олувчилар фарзандликка олинган болалар балоғатга етгунларига қадар ҳар йили хорижий давлатларнинг тегишли дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига боланинг психик ва жисмоний холати, унинг яшаш ва тарбияланиш шароитлари тўғрисида ахборот тақдим этадилар. Ушбу маълумотлар хорижий давлатнинг маҳсус ваколатли органи ёки болаларни фарзандликка олиш бўйича ташкилот томонидан тасдиқланиши керак»;

ж) қўйидаги мазмундаги X боб қўшилсин:

«Х. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фарзандликка олувчилар оиласида болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини назорат қилиш

30. Фарзандликка олинган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

химоя қилиш мақсадида фарзандликка олинган боланинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлими унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат қиласди.

Худудида бола фарзандликка олинган халқ таълими бўлими фарзандликка олиш тўғрисида туман, шахар хокимининг қарори чиққандан кейин 7 кун муддатда фарзандликка оловчи (лар)нинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли ахборотни юбориши шарт. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни беришда фарзандликка олиш сир сақланиши керак. Уни ошкор қилишда айборд бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

31. Фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат тартибида текшириш халқ таълими бўлими вакиллари томонидан, фарзандликка олиш белгилангандан дастлабки 3 йил мобайнида ҳар йили ўтказилади. 3 йил ўтгандан кейин назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлиги халқ таълими бўлими томонидан фарзандликка оловчи (лар) оиласида шаклланаётган аниқ вазиятга мувофиқ якка тартибида белгиланади. Фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат тартибида текшириш фарзандликка олиш сир сақланган ҳолда ўтказилади.

32. Назорат тартибида текшириш натижалари бўйича оилани бориб кўрган халқ таълими бўлими вакили фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши тўғрисида хисобот тузади. Ҳисоботда боланинг соғлиғи, ўқиши, унинг руҳий ва хулқ-автор жиҳатдан камол топиши, ўзига ўзи хизмат қилиш кўникмалии, ташқи кўриниши ва оиласидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак».

2. Иккинчи бўлимда:

а) 1-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Фарзандликка олган оила ота-оналар қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш шаклларидан бири хисобланади. Ота-оналар қаровисиз қолган болани (болаларни) тарбия қилиш учун олишни истайдиган фуқаролар (эр-хотин ёки алоҳида фуқаролар) тутинган ота-оналар деб аталади, ушбу оила эса фарзандликка олган оила хисобланади»;

б) 2-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Фарзандликка олган оиласидаги болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва фарзандликка олинган болалар билан биргаликда, қоидага кўра, 8 нафардан ошмаслиги керак»;

в) II бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Фарзандликка олган оила ташкил этиш тартиби»;

г) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин, қўйидагилар бундан мустасно:

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахслар;

суд томонидан ота-оналий хукуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналий хукуқи чекланган деб эътироф этилган шахслар;

қонун билан ўз зиммасига юклangan мажбуриятларни лозим даражада бажармагани учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

ўз зиммаларига юклangan мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки

уларни лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганларни, шунингдек муттасил иччиликбозлилкка ёки гиёхвандликка мубтало бўлганларни учун фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилинган бўлса, илгари фарзандликка бола олган шахслар;

касдан қилинган жиноятлари учун илгари хукм қилинган шахслар;

соғлигининг ёмонлиги туфайли бола тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар. Қайси касалликка чалинган тақдирда болани тарбияга олиш тақиқланадиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади»;

д) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Болани (болаларни) фарзандликка олишни хоҳловчи шахслар ўз яаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига тутинган ота-оналар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги илтимос билдирилган аризани берадилар.

Аризага қўйидагилар илова қилиниши керак:

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);

оила аъзолари кўрсатилган холда яаш жойидан маълумотнома;

иш жойидан иш ҳаки кўрсатилган маълумотнома;

иш жойидан ёки яаш жойидан тавсифнома;

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг соғлиғи тўғрисида тиббий- маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансерининг маълумотномалари;

санитария қоидалари ва нормаларига мувоғик бўлган мулк ҳуқуқидаги, ижара (ижара олиш) шартларидаги ёки бошқа асослардаги уй-жой мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжат.

Ариза беришда шахсни тасдиқлайдиган хужжат қўрсатилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида оиланинг турмуш шароитларини, болаларни тарбияга олишни истаганларнинг моддий таъминланганлик холатини текширади, текшириш далолатномасини тузади ва текшириш далолатномаси асосида уларни ҳисобга қўяди. Ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчилар эътиборига қарор қабул қилинган кунидан бошлаб 5 кун муддатда етказилади. Ҳисобга қўйиш рад этилган тақдирда ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳисобда турган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишган холда васийлик ва ҳомийлик органларида ҳисобда турган ва ота-оналар қаровисиз қолган, шу жумладан тарбиялаш ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидағи вояга етмаган болаларнинг дастлабки танлаб олинишини амалга оширади»;

е) 7-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзаро қариндош бўлган болалар, қоидага кўра, битта оиласа берилади, тиббий кўрсаткичлар бўйича ёки бошқа сабабларга кўра улар бирга тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно»;

ж) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Болаларни фарзандликка оладиган оиласа тарбиялаш учун бериш битим асосида амалга оширилади. Болаларни тарбиялаш учун оиласа қабул қилиш тўғрисидаги битим васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-оналар ўртасида тузилади.

Болаларни тарбиялаш учун оиласа қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битим

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

з) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Васийлик ва ҳомийлик органлари оиласа тарбиялаш учун берилган болаларни ҳар йили бир марта кийим-бош ва пойабзал билан таъминлайдилар»;

и) 15-бандга қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Фарзандликка оладиган оиласа тарбиялаш (патронат) учун берилган болаларга қонун ҳужжатларида ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун назарда тутилган барча имтиёзлар татбиқ этилади».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

**348 Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат
ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация
технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний
шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон қарорини бажариш юзасидан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қўйидагилар:

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Базавий интерактив давлат хизматлари реестри 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига юклансин.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

уч ой муддатда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш тадбирлари режаларини ишлаб чиқсилар ва тасдиқласинлар;

интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва кўрсатилаётган ана шундай хизматларни кенгайтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг интерактив давлат хиз-

матларидан сифатли фойдаланишини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самараодорлигини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар;

хар йили 1 декабргача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари бўйича ахборот, шунингдек мўлжалланётган интерактив давлат хизматлари бўйича таклифларни уларни кейинчалик Интерактив давлат хизматлари реестрига киритиш учун тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги заруриятга кўра ҳар йили 1 февралгача вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига Базавий интерактив давлат хизматлари реестрига ўзгартиришлар киритишга доир умумлаштирилган таклифлар киритсан.

5. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Н. Арипов) ўз мажлисларида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг электрон хужжатлар айланиши тизимларини жорий этиш ва ахборот тизимларини интеграциялаш ишларининг аҳволини мунтазам равишда кўриб чиқсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

— Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 23 август,
181-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада риовжлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига мувофик давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти (кейинги ўринларда «идоралар» деб юритилади) томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2. Идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизмати кўрсатиш хисобланади.
3. Идоралар томонидан интерактив давлат хизматлари кўрсатиш учун тегишли ахборот ресурслари ташкил этилиши зарур.
4. Идораларнинг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш учун ташкил этиладиган ахборот тизимлари ягона стандартлар ва талаблар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиши керак.
5. Автоматлаштирилган ахборот бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида идоралар томонидан ахборот айирбошлаш бўйича ягона давлат стандартлари ва талаблари асосида ахборот тизимлари ташкил этилади.

II. Мақсади ва вазифалари

6. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш:
- ахборот айирбошлаш ва тарқатиш тезкорлиги даражасининг ўсиши ҳисобига давлат функцияларини бажариш самарадорлиги ва тезкорлигини оширишга;
- сўровларни пухта ишлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича давлат функциялари ижро этилиши устидан назоратни кучайтиришга;
- идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги даражасини оширишга;
- + идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига сарфланадиган чиқимларни қисқартиришга;
- ахолининг давлат бошқарувида янада фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида идоралар фаолиятининг очиқ-ошкоралиги даражасини оширишга;
- ахборот айирбошлашнинг янги механизмларига ўтишга йўналтирилган.

III. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш шарт-шароитлари

7. Интерактив давлат хизматлари умумий фойдаланиладиган, фойдаланиш қулай ҳамда барча қатламлар ва гурухлар фойдаланувчиларининг устуворликлари ва эҳтиёjlарига мувофиқ бўлиши керак. Интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш энг юкори даражада тез ва қулай усуlda таъминланиши керак.
8. Интерактив давлат хизматларидан кафолатли ва хавфсиз фойдаланиш идоралар томонидан таъминланиши керак.
9. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида тақдим этиладиган ахборот долзарб, ишончли ҳамда рухсатсиз фойдаланиш, ўйқ қилиш, бузиш, блокировка қилишдан химояланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.
10. Идораларнинг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

IV. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва улардан фойдаланишни таъминлаш

11. Интерактив давлат хизматлари:

умумий фойдаланилайдиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) — тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;

бир томонлама ўзаро ҳамкорлик — электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

икки томонлама ахборот айирбошлаш — сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буортманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш);

электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

12. Интерактив давлат хизматлари фойдаланувчи томонидан идора билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида ёки бир нечта идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади ва кўрсатиласди.

13. Интернетнинг умумий фойдаланилайдиган тармоғи воситасида кўрсатиласди ган интерактив давлат хизматлари фақат идораларнинг расмий сайatlари орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали орқали кўрсатиласди.

— 14. Қонун ҳужжатларида белгиланган базавий интерактив давлат хизматлари мажбурий хисобланади ва идоралар томонидан бепул кўрсатиласди, кўрсатилганлиги (расмийлаштирилганлиги) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ йифимлар, божлар ва бошқалар шаклида тўлов назарда тутилган хизматлар бундан мустасно.

+

15. Кўшимча интерактив давлат хизматлари идоралар томонидан мустақил белгиланади ва пулли асосда кўрсатилиши мумкин.

16. Кўшимча интерактив давлат хизматлари кўрсатилишидан олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига мувофиқ давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан сарфланади.

17. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тартиби, шартлари ва муддатлари ҳар бир идора томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

Регламентда қўйидаги асосий қоидалар мавжуд бўлиши керак:

кўрсатилаётган хизматларнинг таркиби ҳамда мазмуни аниқ ва ёрқин ифодаланган бўлиши;

хизматлар кўрсатиш тури/шакли ва усули, кутилаётган аниқ натижа;

хизматлар кўрсатиш муддати;

зарурият бўлганда, хизматлар кўрсатиш қиймати;

идора ёки мансабдор шахснинг хатти-харакати (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари.

Идоралар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар белгиланиши мумкин.

V. Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш

18. Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш:
интерактив давлат хизматларидан фойдаланишда фойдаланувчиларга қулайлик яратиш;

интерактив давлат хизматларини оқилона ривожлантириш;
электрон ҳужжатлар айланиши тизимларининг ўзаро алоқасини таъминлаш;
янги интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида амалга оширилади.

19. Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

20. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги интерактив давлат хизматлари реестрининг шакллантирилиши, фойдаланилиши, ўз вақтида қўллаб-куватланиши ва янгиланишини таъминлайди.

VI. Ахборот ресурслари ташкил этиш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш

21. Ахборот ресурслари ташкил этиш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар давлат хизматлари кўрсатадиган давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун Давлат бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига копланади.

+

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорига
2-ИЛОВА

Базавий интерактив давлат хизматлари реестири

T/p	Хизматлар номи	Бажариш учун масъуллар
1.	Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, тарқиби, функциялари ва асосий фаoliyati, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	Вазирлар Махкамаси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
2.	Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши.	
3.	Тугилганликни, ўлимни, никоҳни рўйхатдан ўтказиш, никоҳни бекор килиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилияни, исмни ва ота исмини ўзгартириш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	Адлия вазирлиги
4.	Ўзбекистон Республикаси ФХДЕ ҳудудий органлари рўйхатини тақдим этиши.	
5.	Мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим тизимлари тўғрисида ахборотлар, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари, академик лицейлари, қасб-хунар коллежлари ва мактаблари рўйхатини тақдим этиши.	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
6.	Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига ўқишига кириш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	
7.	Иш билан бандлик масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиши.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
8.	Ижтимоий таъминот органларида пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиши.	
9.	Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиши.	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

T/п	Хизматлар номи	Бажариш учун маъсъуллар
10.	Транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва техник кўрикдан ўтказиш тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	Ички ишлар вазирлиги
11.	Юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларини кўриб чиқиш.	
12.	Ўзбекистон Республикасида коммунал хизматлар кўрсатишида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
13.	Фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатиши тартиби ва уларни ташкил этиш тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
14.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими давлат муассасалари томонидан бенгул тиббий ёрдам кўрсатиши тартиби тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
15.	Рўйхатдан ўтказилган дори-дармонлар тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
16.	Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш тартиби тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
17.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ўкув муассасалари тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
18.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ўкув юртларига ўқишига кириш ва ўқиши учун давлат грантлари бериш тартиби тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
19.	Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
20.	Солиқ тўловчининг сўровига кўра бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаси билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
21.	Солиқ тўловчининг сўровига кўра назорат органларининг тегишли давр учун хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режжа-жадвалидан кўчирмалар бериши.	Давлат солиқ кўмитаси
22.	Солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларини қабул қилиш ва шахсий тартиб рақамларини бериш ҳамда солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўзгартириш (факат шаҳар ва туманилар хузуридаги рўйхатдан ўтказувчи органлар, шунингдек минтақавий адлия органлари учун).	
23.	Солиқ солиши бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
24.	Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиши.	
25.	Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришини амалда карор топган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
26.	Корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистрига доир ахборотлар тақдим этиш.	Давлат статистика кўмитаси
27.	Декларантлардан декларацияларнинг электрон нусхаларини қабул қилиш ва қайта ишлаш.	Давлат божхона кўмитаси
28.	Бизнесни режалаштириш ва бошқариш, тадбиркорликни ривожлантириши молия-кредит бўйича кўллаб-куватлаш масалаларига доир ахборотлар тақдим этиш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси, Марказий банк
29.	Тадбиркорликни лицензиялаш ва давлат томонидан тартибга солиш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш.	
30.	Мол-мулки сотиладиган иқтисодий начор хўжалик юритувчи субъектлар тўгрисида ахборот.	Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси
31.	Қимматли қоғозлар бозори, банк ва сугурта секторлари тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк
32.	Коммунал хизматлар учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўгрисида ахборотлар тақдим этиш.	
33.	Ташқи савдо статистикаси бўйича ахборотлар тақдим этиш.	

T/п	Хизматлар номи	Бажариш учун масъуллар
34.	Инвестиция лойиҳалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, инвестиция таклифларини қабул қилиш.	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
35.	Давлат электрон харидларини ташкил қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	
36.	Мамлакатнинг транспорт-коммуникация комплекси: автомобиль йўллари ва темир йўллар, фуқаро авиацияси тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтойўл» ДАК
37.	Йўловчи ташиш темир йўл ва автомобиль транспорти қатновлари жадвалини, вокзалларнинг маълумотлар бериш хизматлари рўйхатини берини.	
38.	Телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари тарифлари, Ўзбекистон Республикаси поча индекслари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси телефон рақамлари зоналар кодлари, мамлакатлар кодлари, давлат органлари сайтлари рўйхати ва манзиллари бўйича ахборотлар тақдим этиши.	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
39.	Рўйхатдан ўтказилган Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	
40.	Лицензиялар олиш юзасидан аризалар қабул қилиш.	Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
41.	Миграция ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиши.	
42.	Келаётган чет элликларга визалар бериш, уларни вақтнчалик рўйхатдан ўтказиш ва вақтнчалик рўйхатдан ўтказишни узайтириш, доимий яшаш учун руҳсатномалар олиш, бирон жода яшаш хужжати, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш тартиботлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш борасидаги чеклашлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
43.	Ўзбекистон Республикасидаги чет эл элчихоналари, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ҳалқаро ташкилларнинг дипломатик миссиялари ва ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари рўйхатини тақдим этиши.	
44.	Давлат архиви фондларидан ахборотлар тақдим этиши.	«Ўзархив» агентлиги
45.	Илм-фан, таълим, ахборот ва маданият бўйича қизиқишиларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурслари ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек ихтинослаштирилган кутубхоналари рўйхатини тақдим этиши.	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
46.	Ер ресурслари бўйича ахборотлар тақдим этиши.	«Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси
47.	Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	
48.	Ўзбекистон Республикасининг табиий-жузгофий шароитлари ва тарихий-маданий мероси тўғрисида ахборотлар тақдим этиши.	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси
49.	«Тошкент» ҳалқаро аэропортидаги самолётлар қатнови жадвали, рейслардаги мавжуд ўринлар сони, авиакомпания томонидан кўрсатиладиган хизматлар тарифлари, рўйхати, самолётларнинг келиши ва кетиши вақти таблоси.	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**349 Молиявий хисоботлар ва солик ҳисоб-китобларини
электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизли-
гини таъминлаш бўйича электрон хужжат айланишининг иш-
тирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 августда 1702-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июнданги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 168-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги «Солик тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солик хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 157-сон қарорига мувофиқ **карор қиласиз:**

1. Молиявий хисоботлар ва солик ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон хужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат солик
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 4 июль,
2007-44-сон

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 4 июль,
17-8 / 1985-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й.

Давлат солик қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг
2007 йил 4 июлдаги 2007-44,
17-8/1985-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Молиявий ҳисоботлар ва солик ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июнданги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 168-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги «Солик тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солик хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 157-сон қарорига мувофиқ молиявий ҳисоботлар ва солик ҳисоб-китобларини электрон шаклда (бундан бўён матнда электрон шаклда ги солик ҳисоботлари деб юритилади) алоқанинг телекоммуникация каналлари ёрдамида тақдим этилганда ахборот хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Йўриқнома солик ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиладиган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қўйидаги тушунчалар қўлланилган:

автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) — эксплуатацион ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ҳисоблаш техника воситалари ва маҳсус дастурий воситалар асосида компьютер тармоғининг ишчи станцияси;

электрон рақамли имзо (ЭРИ) — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда ЭРИ очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик ўқлигини аниқлаш ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

ЭРИ ёпиқ калити эгаси — электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс;

ЭРИ ёпиқ калити — ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда ЭРИни яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш — криптографик алмаштириш алгоритмлари ёрдамида амалга ошириладиган ахборотнинг тўла-тўқислиги, қулайлиги ва маҳфийлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуси;

ЭРИ калитининг компрометацияси (обрўсизланиши) — фойдаланила-

ётган калитлар, ахборот хавфсизлигини таъминлаётгандигига ишончнинг йўқолиши.

ЭРИ калитининг обрўсизланиши билан боғлиқ ҳодисаларга қўйида келтирилганлар киради:

калитли ташувчиларнинг йўқолиши;

калитли ташувчиларнинг йўқолиши ва кейинчалик уларнинг топилиши;

калитли ахборотдан фойдаланишга рухсати бўлган ходимларнинг ишдан бўшаши;

махфий калитни сақлаш ва йўқ қилиш (амал қилиш муддати тугагандан кейин) қоидаларининг бузилиши;

ахборотнинг четга чиқиб кетишига шубҳа пайдо бўлиши ёки махфий алоқа тизимида унинг нотўғри талқин этилиши;

калитли ташувчилар бўлган сейф муҳрининг бузилиши;

калитли ташувчиларнинг қандай ҳолатга учраганлиги хақида аниқ маълумот олиш имкони бўлмаган ҳолатлар (шу жумладан, калит билан боғлиқ маълумотлар бузилган ҳамда ундан қоидабузарнинг рухсатсиз фойдаланиши асосли равишда рад этилмаган);

рухсатсиз кириш (фойдаланиш) — субъектнинг объектга ёки ахборотга тизимда ўрнатилган кириш чегаралари қоидаларини бузган ҳолда кириши;

ЭРИ очик калити — ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда хосил қилинган, ЭРИнинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон хужжатдаги ЭРИнинг хақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш — ЭРИнинг ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

ЭРИ калитининг сертификати (имзо калити сертификати) — электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган хужжат;

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари (АКМВ) — ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун унинг криптографик алмаштирилишини амалга оширувчи дастгоҳ, дастурий ва дастгоҳ-дастурий воситалар;

ЭРИ воситалари — электрон хужжатда ЭРИ яратилишини, ЭРИнинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, ЭРИнинг ёпиқ ва очик калитлари яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситалар мажмуи;

солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш формати — электрон шаклда тақдим этиладиган солиқ ҳисоботлари таркиби ва кўрсаткичлар тузилмасининг формага келтирилган тавсифи, шунингдек, уларнинг шакллантирилишига кўйилган талаблар.

ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази (Рўйхатга олиш маркази) — маҳсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган ва Конунда назарда тутилган вазифаларни бажарадиган юридик шахсадир;

электрон хужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

2. Солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этишда электрон хужжат айланишининг иштирокчилари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

солиқ тўловчи — солиқ ҳисоботларини жўнатувчи;

солиқ ҳисоботларини қабул қилувчи ва уларга ишлов берувчи давлат солиқ хизмати органлари — солиқ ҳисоботларини қабул қилувчи.

II. Солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари орқали тақдим этиш дастурий-аппарат воситалариға қўйиладиган талаблар

3. Дастурий-аппарат воситалари солиқ ҳисоботларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган солиқ ҳисоботларини тақдим этиш форматига мос равища қабул қилиш ва ишлов берилишини таъминлаши лозим.

4. ЭРИ ва АКМВ воситалари давлат солиқ хизмати органларида қўлланилаётган ўхшаш воситалар билан мос келиши лозим.

III. ЭРИ ва АКМВ воситаларидан фойдаланиш қоидалари

5. Солиқ ҳисоботлари ЭРИ ва АКМВ воситаларидан фойдаланган ҳолда алоқанинг телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда тақдим этилади.

6. Электрон рақамли имзо воситалари ва ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини тарқатиш ва ҳисобга олиш қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда, Рўйхатга олиш маркази лицензиясига амал қилиш шартларига ҳамда электрон рақамли имзо воситалари ва ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини ишлаб чикувчи ташкилотлар техник ҳужжатлари талабларига мос равища ташкил этилади.

+ -
7. Ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини олиш, узатиш ва фойдаланишга фақатгина электрон рақамли имзонинг ёпиқ қалити эгаси ҳақли.

IV. Ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш тартиби

8. Ахборот ҳавфсизлиги кўйидаги комплекс чоралар билан таъминланиши лозим:

ЭРИ ва АКМВ воситалари ёрдамида солиқ ҳисоботларини ҳимоя қилиш; ахборотдан фойдаланишни назорат қилиш қурилмаларини ўрнатиш.

Ахборот ҳавфсизлиги электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан қатъий таъминланиши лозим.

9. Солиқ ҳисоботлари маълумотларини қабул қилиш, ишлов бериш ва узатиш учун мўлжалланган АКМВни автоматлаштирилган иш жойига ўрнатиш ва созлаш ишлари, солиқ ҳисботи жўнатувчиси, шунингдек қабул қилувчисида ҳам тизим маъмури иштирокида масъул шахс томонидан бажарилиши керак.

АКМВни автоматлаштирилган иш жойида ишга туширишдан аввал АКМВнинг бутлиги текширилиши зарур. Бутлиги бузилган АКМВни ўрнатиш ман этилади.

10. АКМВ билан ўрнатилган автоматлаштирилган иш жойи якка тартибда фойдаланиш усулида ишлатилиши керак.

11. ЭРИнинг ёпиқ қалити эгаси бўлган электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ҳар бири:

агар унга очиқ ва ёпиқ қалитлар айни пайтда фойдаланилаётганлиги ёки илгари фойдаланганлиги маълум бўлса, ЭРИ ва ахборотни криптографик муҳофаза қилиш учун очиқ ва ёпиқ қалитлардан фойдалана олмайди;

ёпиқ қалитни сир сақлашга мажбур;

ёпиқ калит сири бузилганлигига (калитни обўрўзизланиши) доир асосли тахмин вужудга келганда, ЭРИни Рўйхатга олиш марказидан калит сертификатининг амал қилишини дарҳол тўхтатилишини талаб қилиши шарт.

12. Электрон хужжат айланишининг иштирокчилари қўйидагиларни:

рухсатсиз фойдаланиш имкониятини тўлиқ олдини оладиган ЭРИ ва шифрлаш (кодлаш) калитларини ҳисобга олиш, саклаш ва фойдаланишининг ички тартибини белгилаши ва тасдиқлаши;

ЭРИ ва шифрлаш (кодлаш) калитларига рухсати бўлган шахслар рўйхатини тасдиқлаши шарт.

13. ЭРИ ва шифрлаш (кодлаш) калитлари ташувчиларини саклаш учун хоналарда сейфлар ўрнатилган бўлиши шарт.

14. Ишлаб турган электрон хужжат айланиши учун мўлжалланган шахсий электрон ҳисоблаш машина (бундан буён — ШЭҲМ) олдидা масъул шахс бўлмаган ҳолда, маъсул шахс мазкур ШЭҲМга киришни парол билан блокировка килиши лозим.

15. Электрон хужжат айланиши учун олдиндан мўлжалланган ШЭҲМда дастурий иловаларни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш воситалари, шунингдек, тизим ресурсларига рухсатсиз кириш имкониятини берувчи воситалар бўлмаслиги керак.

16. Калитли ташувчилардан фойдаланишга рухсати бўлган ходим ишдан озод қилинган, уни бошқа бўлинма (лавозим)га ўтказилган ёки унинг функционал мажбуриятлари ўзгарган ҳолда, у фойдаланган калитлар алмаштирилиши керак.

17. Қўйидагиларга йўл қўйилмайди:

калитли ташувчилардан рухсатсиз нусха олиш;

калитли ташувчилардан фойдаланишга рухсати бўлмаган шахсларни бу ташувчиларнинг мазмуни билан танишириш ёки уларга калитли ташувчиларни бериш;

калитларни ШЭҲМ монитори экранига чиқариш ёки чоп этиш;

тизимнинг ишлаши назарда тутилмаган АИЖдаги ШЭҲМнинг ўкиш қурилмаси (дисковод)га, шунингдек, бошқа ШЭҲМларга калитли ташувчини ўрнатиш; калитли ташувчига бегона ахборотни ёзиш.

+

V. Электрон хужжат айланиши учун фойдаланиладиган ШЭҲМга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

18. Электрон хужжат айланиши учун фойдаланиладиган ШЭҲМ вирус ва заарли дастурлардан муҳофаза қилувчи дастур билан таъминланган бўлиши керак.

19. ШЭҲМда вақти-вақти билан маълумотлар базаси ҳамда вирус ва заарли дастурлардан муҳофаза қилувчи дастурлари янгиланиб борилиши лозим.

20. Электрон хужжат айланиши жараёни бошлангунга қадар, ШЭҲМ вирус ва бошқа заарли дастурларнинг мавжудлигига текширилиши керак.

21. Электрон хужжат айланиши учун бошқа ШЭҲМдан вақтинча фойдаланилган ҳолда, унинг қаттиқ дискида файлларнинг сакланишига йўл қўйилмайди.

VI. Логинлар ва фойдаланиш паролларидан фойдаланиш ҳамда саклаш чоралари

22. Электрон хужжат айланиши иштирокчиси логини ва фойдаланиш паролининг махфийлиги, логин ва паролни ошкор қиласлик ва сир саклаш йўли билан иштирокчининг ўзи томонидан таъминланади.

23. Фойдаланиш пароли ҳар қандай қонуниятдан қатъи назар, бта белгидан кам бўлмаган рақам ва ҳарфлар комбинациясидан иборат бўлиши керак.

VII. Хоналар ва техник воситалар муҳофаза қилинишини таъминлаш

24. Электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари томонидан электрон ҳужжат айланишининг техник воситаларини жойлаштириш учун хона белгиланган бўлиши, шунингдек, фойдаланишни назорат қилиш қурилмалари ёрдамида рухсатсиз фойдаланишни истисно қилиш бўйича чоралар қабул қилиниши лозим.

25. Кўрсатилган хоналар муҳофаза қилинишини таъминлаш учун қўйидаги чоралар амалга оширилиши шарт:

кириш эшикларига ишдан ташқари вактларда хоналарни ишончли муҳофаза қилинишини кафолатладиган қулфлар ўрнатилган бўлиши керак. Назорат қилиш учун хонага киришда қулфлар ёки фойдаланишни назорат қилиш ва қайд этишнинг бошқа замонавий тизим воситалари ўрнатилган бўлиши керак;

хоналар кўриқлаш сигнализацияси билан жихозланган ва иш куни тугаши билан мухрланиб, кўриқлашга топширилган бўлиши керак.

VIII. Электрон ҳужжат айланиши хавфсизлигининг таъминланишини назорат қилиш

+ 26. Электрон ҳужжат айланиши хавфсизлигининг таъминланишини назорат қилиш хавфсизлик чоралари умумий мажмуасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, электрон ҳужжатларни тайёрлаш, ишлов бериш, узатиш ва сақлаш босқичларида муҳофаза қилишнинг технологик, ташкилий, техник ва дастурий чоралар ва воситаларининг бутун мажмуаси доирасида амалга оширилади.

-

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасида электрон ҳужжат айланиши жараёнининг хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ахборотни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари томонидан амалга оширилади.

IX. Якуний қоидалар

27. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

P. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 4 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

350 Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 августда 1703-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига мувофиқ **буораман**:

1. «Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш тартиби бўйича йўриқнома» иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган санадан ўн кун ўтгач кучга киритилсан.

—
**«Ўзархив» агентлиги
бош директори**

А. АБДУЛЛАЕВ +

Тошкент ш.,
2007 йил 17 июль,
18-сон

«Ўзархив» агентлиги бош директорининг
2007 йил 17 июлдаги 18-сон бўйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш тартиби бўйича ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004 й., 1-5 сон, 10-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 256-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 355-модда) мувофиқ ахборот ресурслари қимматининг экспертизасини ўтказиш ва архив нусхаларини яратиш, шунингдек уларни республика давлат архивларига саклаш учун топшириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Йўриқномада кўйидаги асосий атамалар ва тушунчалар қўлланилган:

ахборот ресурсининг архив нусхаси — ахборот ресурсининг муайян белгиланган вактдаги аниқ нусхаси бўлган ёки архив сақлови форматида ахборот ресурсининг мазмуни бўйича шаклланадиган электрон хужжат (кейинги ўринларда ЭХ деб юритилади);

депозитар сақлов — ахборот ресурси архив нусхалари мулкдори билан давлат архиви ўртасидаги келишув (шартнома) бўйича белгиланган шартлар асосида мулкдорнинг ахборот ресурсига нисбатан мулк хукукини сақлаб қолган ҳолда архив нусхаларини давлат архивида сақлаш;

ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

ахборот технологияси — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, услублар ва жараёнлар;

ахборот ресурси — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди (ЎзР МАФ) — Ўзбекистон Республикаси халқлари тарихий-маданий меросининг ажралмас қисми хисобланадиган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган, Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва яшаётган халқларнинг моддий ва маънавий хаётини акс эттирувчи, яратилган жойи, вакти, манба тури ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, тарихан пайдо бўлган, доимо тўлдириб бориладиган ва доимий сақланиши керак бўлган архив хужжатларининг мажмуи;

марказий эксперт комиссияси (МЭК) — вазирлик, давлат қўмитаси, идора, юридик шахслар бирлашмаларида хужжатларни, шу жумладан бошқарув (иш юритиш), илмий-техникавий, кино, суръат, овозли ва бошқа маҳсус хужжатларнинг қимматини экспертиза қилиш ва хужжатларни архив сақловига топширишга тайёрлаш бўйича услубий ва амалий ишларни олиб бориш, шунингдек ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб корхона ва ташкилотларнинг эксперт комиссиялари (ЭК) фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришни амалга ошириши учун тузиладиган комиссия;

эксперт-текширув комиссияси (ЭТК) — хужжатларнинг қимматини экспертиза қилишнинг илмий-услубий ва амалий масалаларини кўриб чиқиш ва улар томонидан давлат ва идоравий архивларни жамлаш, иш юритиша ҳужжатларни ташкиллаштириш, шунингдек марказий эксперт комиссиялари ва ташкилотларнинг эксперт комиссияларининг фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан бошқаришни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари, Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармаларида тузиладиган комиссия;

эксперт комиссияси (ЭК) — мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда хужжатлар, шу жумладан бошқарув (иш юритиш), илмий-техникавий ва бошқа маҳсус хужжатларнинг қимматини экспертиза қилиш ва уларни давлат сақловига топширишга тайёрлаш бўйича ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш учун тузиладиган комиссия.

2. Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси

Миллий архив фонди тўғрисидаги низом»га мувофиқ МЭК ёки ЭКнинг хуносаси асосида хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига киритилган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга (кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) мўлжалланган.

3. Мазкур Йўриқнома асосида ҳар бир ташкилот архив нусхаларини яратиш, уларни давлат сақловига топшириш тартиби ва шартлари батафсил баён қилинган ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш тартиби бўйича ўзининг ички идоравий йўриқномасини ишлаб чиқади. Йўриқнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва ЎзР тегишли марказий давлат архиви, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бўйича худудий бошқармасининг эксперт-текширув комиссияси билан келишилади.

4. ЭТКга архив нусхаларини электрон хужжатлар архивига топшириш жадвали хам келишиш учун тақдим килинади. Жадвал янги ахборот ресурсини қўллайдиган ахборот технологиясини фойдаланишга жорий этишда ишлаб чиқилади ёки тўлдирилади.

II. Ахборот ресурсларининг таснифланиши

5. Ахборот ресурсларида ахборот матн, график, видео-, аудио- ва мультимедия (матн, график, овозли ва аудио форматлар комбинацияси) шаклларида тақдим этилиши мумкин.

6. Ахборот ресурслари уларни яратишда қўлланиладиган технологиялар турлари ва сақлаш муддатлари бўйича таснифланади.

7. Ахборот ресурсларига уларни яратишда қўлланиладиган технологиялар турлари бўйича таснифлашда кўйидагилар киради:

Маълумотлар базалари ва банки, улар ўз навбатида:
давлат кадастрлари;
давлат регистрлари;
давлат реестрлари;
хисоб-статистик характердаги маълумотлар базаси;
илмий-тадқиқотлар маълумотлари базалари;
норматив, маълумот ва библиографик ва х. к маълумотлар базаларига бўлинади.

Интернет нашрлар, жумладан:
хукумат сайтлари;
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари сайтлари;
ўқув ва илмий сайтлар;
оммавий ахборот воситалари сайтлари;
электрон тўлов бўйича сайтлар;
электрон кутубхоналар сайтлари ва х. к.

8. Сақлаш муддатлари бўйича ахборот ресурслари кўйидагиларга бўлинади:
тегишли давлат архивига давлат сақлови учун топшириладиган, сақлаш муддати доимий бўлган ахборот ресурслари;

давлат архивига топширилмайдиган, ташкилотда сақлаш муддати доимий бўлган ахборот ресурслари;
вактинчалик сақланиш муддатига эга бўлган ахборот ресурслари.

9. Сақлаш муддати доимий бўлган, тегишли давлат архивига давлат сақлови учун топшириладиган ахборот ресурсларига кўйидагилар киради:

асосий давлат ахборот ресурслари;
хисоб-статистик характердаги ва норматив ахборотларнинг расмий маълумотлар базалари ва банки;
илмий-тадқикотлар маълумотлари базалари;
давлат хокимияти ва бошқарув органларининг интернет нашрлари;
илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг алоҳида сайtlари (МЭК ва/ёки ЭК қарори бўйича).

10. Ташкилотда сақлаш муддати доимий бўлган давлат архивларига топширилмайдиган ахборот ресурсларига қўйидагилар киради:

ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги низом»га мувофиқ хужжатларни (кадастрлар, регистрлар, шунингдек норматив, маълумот-услубий ва библиографик маълумотлар базалари) доимий сақлаш хуқуки берилган расмий маълумотлар базалари ва банклари;

давлат архивларига топширилмайдиган, лекин ташкилот учун доимий қимматликка эга бўлган интернет нашрлар.

Ушбу турдаги ахборот ресурсларининг сақловини таъминлаш учун давлат архивларида архив нусхаларининг депозитар сақлови қўлланилади.

11. Вақтингчалик сақланиш муддатига эга бўлган ахборот ресурсларига, ташкилотларда зарурат муддати тутагунга қадар сақланадиган ва МЭК ёки ЭК қарори билан йўқ қилиниши мумкин бўлган, амалий ва ёрдамчи характерга эга бўлган ахборот маълумотлар базалари киради.



III. Ахборот ресурсларининг қимматини экспертиза қилиш

12. Ахборот ресурсларидаги маълумот электрон рақами имзо билан тасдиқланган электрон хужжат ҳисобланади ва қофоз нусхасидаги хужжатлар билан тенг юридик кучга эга бўлади.

Тарихий, илмий, ижтимоий, иктиносий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурслари ЎзР МАФга тегишли бўлиб, доимо (муддатсиз) сақланиши лозим.

13. Сақланиш муддати доимий бўлган ахборот ресурсларини саралаб олиш учун ташкилотнинг МЭК ёки ЭК томонидан уларнинг қимматлилик экспертизаси ўтказилади.

Ташкилотнинг МЭК ёки ЭК ахборот ресурсларининг қимматлилик экспертизаси уларни яратиш даврида ўтказади.

14. Ахборот ресурсларининг қимматини экспертиза қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

ахборот ресурсларининг сақлаш муддатларини аниқлаш;

ахборот ресурслари орасидан доимий сақланиши лозим бўлган тоифаларини ажратиб олиш;

ахборот ресурсларидан ўчирилаётган маълумот янгиланиш жараёнида амалий ва/ёки илмий-тарихий қимматликка эгалигини белгилаш;

амалий ва/ёки илмий-тарихий қимматликка эга бўлган ўчирилаётган маълумотнинг сақланишини таъминлаш.

15. МЭК ёки ЭК давлат сақловига топширилиши лозим бўлган ахборот ресурсларининг архив нусхаларини қўйидаги мезонлар асосида саралайди:

янгилик даражасини;

ахборотнинг ноёблиги, унинг ижтимоий аҳамияти;

тижорат қимматлиги ва тарихий аҳамияти.

16. Қимматлилик экспертизаси натижалари ташкилот томонидан тузиладиган давлат сақловига топширилиши лозим бўлган лойиҳалар, ЭХ рўйхатида акс эттирилади.

17. Ташкилотнинг МЭК ёки ЭК қарори билан қўйидаги аҳамиятга эга бўлган архив нусха яратилади:

ахборот ресурси мазмунининг тўлиқ нусхаси;

ўчирилаётган маълумот мазмунининг нусхаси;

ўзгарилаётган ёзувларнинг (файлларнинг) олдинги ва янги аҳамияти (мазмуни) нусхаси.

18. Ташкилотнинг МЭК ёки ЭК ахборот ресурси мазмунининг тўлиқ нусхаси ёки ўчирилаётган маълумот мазмунининг нусхасини яратиш тўғрисидаги қарорни ахборот ресурсининг хажми жуда катта, киритилаётган ўзгаришлар кам аҳамиятга эга, маълумотларнинг тўлиқ хажми билан солишириб бўлмайдиган даражада бўлган ҳолларда қабул қилинади. Бундай ҳолларда вақт бўйича биринчи яратилган архив нусхаси ахборот ресурси мазмунининг тўлиқ нусхасини албатта ўз ичига олган бўлиши лозим.

IV. Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш тартиби

19. Ахборот ресурсларининг архив нусхалари қўйидаги ҳолларда яратилади:
доимий сақланиши лозим бўлган ахборот ресурсларига аввалги маълумотларни ўчиришга олиб келадиган ўзгаришлар киритиш;

ахборот ресурсини янги (замонавийрок) ахборот ташувчиларга ўтказилаётгандада.

Киритилаётган ўзгаришлар (қўшимчалар) мавжуд маълумотларнинг ўчирилишига ёки ўзгаришига олиб келмаса, ёки ўчирилаётган маълумот қимматлилик экспертизаси натижалари бўйича амалий ва/ёки илмий-тарихий қимматликка эга эмас деб топилган ҳолларда архив нусхасининг яратилиши талаб қилинмайди.

20. Ахборот ресурсларининг архив нусхалари ташувчилари сифатида магнитооптик дисклар ёки маълумотларни ишончли ва узоқ муддат сақловчи бошқа электрон маълумот ташувчилардан (флэш-хотира, ташқи дисклар ва бошк.) фойдаланиш лозим.

21. Ахборот ресурсларининг архив нусхалари яратилаётгандада ташкилотлар қўйидагиларни таъминлаши лозим:

тақдим этилаётган маълумотнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини;

ахборот ресурсларининг ахборот ва технологик мослашувчанлигини.

22. Архив нусхаларининг яратилиши ва ишончлилиги учун ахборот ресурсига ўзгаришлар киритишга масъул бўлган шахс масъул этиб тайинланishi лозим.

23. Хар бир архив нусхаси умумий талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ва тасдиqlangan алоҳида ЭХ ҳисобланади. ЭХнинг номида унинг қайси ахборот ресурсининг архив нусхаси эканлиги кўрсатилган бўлиши лозим. Ташкилотнинг МЭК ёки ЭК ахборот ресурси мазмунининг тўлиқ нусхаси ёки ўчирилаётган маълумот мазмунининг нусхасини яратилишини карор килган ҳолларда, ЭХ реквизитлари ахборот ресурсининг умумий тузилишида ўзгарилаётган қисмнинг ўрнини кўрсатиши шарт.

24. Архив нусхалари ҳисоби ва сақланиши архивга топширилгунга қадар ташкилотда ЭХни ҳисобга олиш ва сақлашнинг умумий талабларига мувофиқ амалга оширилади.

V. Архив нусхаларини давлат архивига топшириш тартиби

25. Ахборот ресурсларининг архив нусхалари мазкур ресурсни яратиш учун қўлланиладиган дастур воситалари, дастурий таъминот ва ЭҲ учун электрон рақамли имзонинг очик калити билан бирга тегишли марказий давлат архиви, Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошкармалари ЭТКси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича давлат архивига топширилади.

26. Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини давлат сақловига топшириш тасдиқланган жадвал асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги низомда белгиланган ЎзР МАФ хужжатларини ташкилотларда вақтингчалик сақлаш муддатлари тугагандан сўнг амалга оширилади.

VI. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофазасини таъминлаш учун давлат архивларининг жавобгарлиги

27. Хужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

28. Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда ҳавфсизликни муҳофаза қилишни кўйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот ҳавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

руҳсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

29. Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юридик ва жисмоний шахслар, норматив-хуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Maxsus давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, худудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юридик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун руҳсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган холда амалга оширилади.

30. Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш хуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

31. Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари кўйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда хуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;
ахборот ресурсларидағи маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка
қилиш ва сохталаштириш;
муаллифлик хукуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузган-
лик.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам
юклатилиши мумкин.

VII. Якуний қоидалар

32. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги би-
лан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори*

A. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 31 май*

— +
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

351 Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва ста-
тистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 19-сон
«Саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг 2-шартнома шакли
бўйича тайёр маҳсулотни жўнатиш ва унинг қолдиги тўғри-
сидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани
тасдиқлаш ҳақида»ги буйругини ўз кучини йўқотган деб
топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 августа 1065-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 августадан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг
6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил
8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг
2001 йил 17 августдаги 19-сон «Саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг 2-шартнома

шакли бўйича тайёр маҳсулотни жўннатиш ва унинг қолдиги тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2001 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1065 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 17-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Ф. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 июль,
5-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

352 *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 18-сон «1-шартнома шакли бўйича «Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурслар олиш мўлжал (режа)-лари ҳамда шартномалар тузишнинг боришини текшириш» ҳисоботини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйругини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 августа 1067-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 18-сон «1-шартнома шакли бўйича «Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурслар олиш мўлжал (режа)-лари ҳамда шартномалар тузишнинг боришини текшириш» ҳисоботини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2001 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1067 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 17-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

F. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 июль,
4-сон

—

+

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2007 йил 11 августдан 24 августгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Молиявий ҳисботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланшининг иштирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаширии агентлигининг 2007 йил 4 июлдаги 2007-44, 17-8 / 1985-сонли қарори.

2007 йил 13 августда 1702-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 августдан кучга киради).

2. «Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сакловига топшириш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сонли бўйруғи.

2007 йил 13 августда 1703-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 августдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 19-сон «Саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг 2-шартнома шакли бўйича тайёр маҳсулотни жўнатиш ва унинг қолдиғи тўғрисидаги ҳисботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳакида»ги бўйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги 5-сонли қарори.

2007 йил 13 августда 1065-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 августдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг 2001 йил 17 августдаги 18-сон «1-шартнома шакли бўйича «Саноат корхоналари»нинг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурслар олиш мўлжал (режа)лари ҳамда шартномалар тузишнинг боришини текшириш» ҳисботини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳакида»ги бўйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги 4-сонли қарори.

2007 йил 13 августда 1067-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг 2-шартнома шакли бўйича тайёр маҳ-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

сулотни жўнатиш ва унинг қолдиги тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1065, 15.09.2001 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 13 августдаги 156-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. 1-шартнома шакли бўйича «Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурслар олиш мўлжал (режа)лари ҳамда шартномалар тузишнинг боришини текшириш» ҳисоботини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1067, 15.09.2001 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 13 августдаги 157-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2005 йил 10 майдаги 41-сон, 2005 йил 25 майдаги 48-сон, 2006 йил 24 февралдаги 22-сон буйруқлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим марказининг 2005 йил 9 июндаги 141, 09/ҚБ-сон қўшма буйруғи ва 2005 йил 17 июндаги 7/1, 10/ҚБ қўшма ҳайъат қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2004 йил 30 апрелдаги 86, 14/ҚБ, 01-104-сон, 2005 йил 22 ноябрдаги 282-сон, 16 ноябрдаги 16/ҚБ, 01-310-сон қўшма буйруқлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 31 декабрдаги 319, 01-361-сон, 2006 йил 17 апрелдаги 89, 01-111-сон, 2006 йил 1 майдаги 112, 01-126-сон қўшма буйруқлари.

Ушбу хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимомаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.